



ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ МИСОЛИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯИЛИКНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШГА НИСБАТАН АЙРИМ ЁНДАШУВЛАР

Шерзод Қурбонов

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7905748>

ARTICLE INFO

Received: 30th April 2023

Accepted: 07th May 2023

Online: 08th May 2023

KEY WORDS

Профилактика, рецидив
жиноятчилик, хорижий
тажриба, принциплар,
ижтимоий институт,
жиноий муҳит.

ABSTRACT

Мақолада Европа ва бошқа мамлакатларнинг хорижий тажрибасида самарали ишлаб чиқилган ва фойдаланаётган принципларни жорий этиш асосида Ўзбекистонда рецидив жиноятчилик профилактикаси фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича муқобил ёндашувлар кўриб чиқилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари олдида жиноятчиликка қарши курашнинг янги воситалари ва услубларини излаш вазифаси турибди. Кўплаб содир этилган жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ушбу муаммога, кўп жиҳатдан манфаатдор жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорликка асосланган мавжуд ижобий хорижий тажриба нуқтаи назаридан қарашга мажбур қилади. Айни дамда, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда фаол жамоатчилик, ихтисослашган нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарларни ижтимоийлашувига тобора кўп диққат-эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бу соҳада тажриба, давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилишнинг истиқболли технологиялари ва услугиети мавжуд эмаслиги сабабли, бундай фаолият натижалари шахс, жамият ва давлат хавфсизлик ҳолатига жиддий ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида сўз юритишга имкон бермаяпти. Ўз навбатида, манфаатдор давлат тузилмаларида ҳуқуқ-тартибот йўналишидаги жамоат ташкилотлари билан муносабатларни юритиш амалиётига эга эмас ёки уларнинг салоҳиятидан етарлича самарали фойдаланмайди, бу пировардида ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари ва тоифалари ўсиши статистик кўрсаткичларида, шу жумладан рецидив жиноятчилик ҳолати кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сон Фармони ҳам конституциявий ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини такомиллаштириш бўйича мазкур ва бошқа муаммоларга қаратилган. Хусусан, мазкур ҳужжатда Конституция ва қонун устуворлигини



таъминлаш мақсадида “қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашишни ҳамда бундай ҳолатнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантиришни талаб этмоқда...

қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш...» [1].

Фаолиятнинг ушбу соҳасида кўплаб хорижий мамлакатларда йўлга қўйилган жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий фазилатларини сақлаб қолиш ва ахлоқ тузатиш муассасаларида жинойий муҳитнинг таъсирига йўл қўймаслик мақсадида, уларга нисбатан жинойий одил судловга муқобил ҳуқуқий таъсир механизмларини қўллаш амалиёти фойдали бўлиши мумкин. Сўз кўплаб ривожланган хорижий мамлакатлардан фарқли, Ўзбекистон амалдаги ҳуқуқий тизими учун хос бўлмаган ҳуқуқий, ижтимоий институт, яъни тикловчи одил судлов ҳақида бормоқда.

Аввалдан шунга урғу бериш керакки, бундай институт, биринчи навбатда, жаҳондаги янги чақириқ ва таҳдидларга жавоб сифатида пайдо бўлган. Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, маълум даврда ҳар қандай ривожланган жамият тобора ортиб бораётган жиноятчилик оқимига қарши туришга мажбур бўлади. Бунда ҳар доим шундай вақт келадики:

полиция жиноятларни очиш даражаси пастлиги учун танқид қилинади;

судлар ишлар билан тўлиб-тошган, бу одил судловни амалга оширишда кечикишларга олиб келади;

турмалар ўта тўлиб-тошган;

жазо таъсирчанлиги пастлиги сабабли, такрорий ҳуқуқбузарликлар содир этиш даражаси юқори.

Албатта, бундай шароитда аҳолининг тизимга бўлган ишончи пасаяди.

Ҳар ҳолда, шундай муаммоларга дуч келган айрим хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция, Польша, Венгрия ва бошқа) маҳаллий аҳолининг кўплаб жамоаларида одил судлов тизими мавжуд бўлган, давлатчилик илдизлари даврига мурожаат қилишган [2]. Бундай одил судлов тизимларининг мақсади тинчликни, шунингдек, жабрланувчи (қурбон) учун адолатни тиклаш бўлган. Тикловчи одил судловнинг моҳияти айнан шунда, бунда жиноятга тизимли равишда, жинойий хулқ-атвор туфайли етказилган зарар тикланишини таъминлайдиган, қурбонга эмпатия (ҳамдардлик) ҳиссини шакллантирадиган, муносабат шакллантирилади.

Қайд этиш жоизки, тикловчи одил судлов, унча жиддий бўлмаган (Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилиши мумкин бўлган) жиноятлар учун мустақил равишда, оғир жиноятлар учун эса жинойий иш юритув билан параллел равишда, шунингдек жазони ўташ даврида амалга ошириладиган ижтимоий дастур сифатида қаралади. Тикловчи одил судлов иштирокчилари сифатида, одатда биринчи марта жиноят содир этган, ситуатив жиноятчилар, шунингдек, қилмишлари соғлиқка жисмоний ёки руҳий зарар етказиш, шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлмаган шахслар намоён бўлади. Ҳуқуқбузарларнинг бундай дастурларда иштирок



этиши фақат ихтиёрийлик асосида амалга оширилади, бу, албатта, тузатиш учун мотивацияни, жабрдийда ва жамият олдидаги айбини қоплаш истагини таъминлайди. Бундай дастурларни амалга ошириш субъектлари бўлиб, асосан, жамоат ташкилотлари ҳар бир аниқ ҳолат ва ҳуқуқбузарнинг шахсига қараб, мустақил равишда ёки жазони ижро этиш муассасалари ва жазони ижро этишдан кейинги назорат хизматлари билан биргаликда иштирок этади.

Тикловчи одил судлов негизини учта принцип ташкил этади:

1. Жабрланганларнинг ҳуқуқларини тиклаш;
2. Ушбу одил судловнинг субъектлари – ушбу ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари, яъни жабрланувчилар, жиноятчилар ва жамиятдир;
3. Давлат органлари ва жамоат институтлари ўртасида шериклик муносабатлари шаклланади (жамоатчилик мамлакат фуқароларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришда кенгроқ иштирок этиши мумкин).

Тикловчи одил судлов кўп жиҳатдан жиноятчига муқобил ёндашув сифатида намоён бўлгани сабабли, у билан жиноий судлов тизими ўртасида таъсир қилиш усуллари ва уни амалга оширишнинг асосий ёндашувлари борасида туб фарқлар мавжуд.

Жумладан, жиноят одил судловнинг асосий шарти: жиноят қонунни бузади. Демак, одил судлов қонун кучини таъминлаш, ҳуқуқбузарларни жазолаши зарур. Бу ҳолатда хун, қасос вазифасини бажаради. Мос равишда, бунда қўлланиладиган усул – жиноятчини турмага тиқиш – бошқаларни кўрқитиш ва келгусида жиноятларни содир этиш имкониятидан маҳрум қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади (ҳар ҳолда, жиноятчи қамокда бўлгунига қадар). Айни дамда, жиноий одил судлов тизими олдида учта савол рўпара бўлади:

1. Қайси қонун бузилган?
2. Ким содир этган?
3. У қандай жазога лойиқ?

Юқоридаги тизимдан фарқли ўлароқ, тикловчи одил судловнинг асосий ғояси шундаки, жиноят зарар еткази (барча кўринишларда, шу жумладан, маънавий зарар шаклида), шунинг учун одил судлов етказилган зарар ўрнини қоплаши ва ҳуқуқбузардан айбини ювишни талаб қилиши керак. Хаттоки биринчи мулоҳазада бундай ёндашувнинг ўзига хос инсонпарварлиги ва ижтимоий одиллигини кузатиш мумкин, чунки шахси мавҳум ижтимоий манфаат тушунчасидан ташқари, бундай тизимда ҳуқуқни қўлловчиларнинг эътибори муайян шахс ёки шахслар гуруҳи – жиноят қурбонларига қаратилган. Тикловчи одил судловнинг асосий фарқи шундаки, жиноятчи жабрланувчи(лар) олдида ўз айбини ювиши, ўзини жабрланувчининг ўрнига қўйишга ҳаракат қилиши ва унга ҳамдард бўлишни бошлаши керак. Шу билан бирга, фақатгина айбини ювиб ва жабрланувчи (лар) кечиримига эришгандан сўнг жиноятчи яна жамиятга қайтиши мумкин. Ўз навбатида, тикловчи одил судлов ҳам ўз эътиборини учта масалага қаратади, бироқ уларнинг вектори жиноий одил судловга нисбатан бутунлай бошқача йўналишга қаратилган, хусусан:

1. Ким жарб кўрди?
2. Етказилган зарарни қоплаш учун эҳтиёжлар қандай?



3. Ушбу эҳтиёжни қондириш учун ким жавобгар?

Кўриб чиқиладиган икки тизим ўртасидаги қайд этилган фарқларга қарамай, уларнинг мақсади бир – одил судловни амалга ошириш, айнан шунинг учун ахлоқан тузалишнинг муқобил йўлини танлаган жиноятчилардан бундай дастурларнинг барча шартларига тўлиқ риоя қилиши лозим ҳамда белгиланган қоидалардан маълум четга чиқиш ҳолатида, одатий санкциялар қўлланишига тайёр бўлиши шарт.

Бизнингча, ҳозирдан оқ узоқ вақтдан бери фаолият юритаётган манфаатдор жамоат ва диний ташкилотлар етарли миқдорда бўлса, мавжуд хорижий тажрибага асосланиб, республикамиз шароитида одил судловнинг янги муқобил тузилишини кўриб чиқиш ва апробациядан ўтказиш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу тузилмага асос бўлиб, аввалроқ кўрсатиб ўтилган принциплар хизмат қилади.

Босқичлар сифатида биз жамоат ва диний ташкилотлар иштирокида маҳкумларга сингдиришимиз мумкин бўлган қадриятлар намоён бўлади.

1-босқич - айбни ювиш истаги;

2-босқич - жамиятга реинтеграция (моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий алоқаларни тиклашда ёрдам бериш, маънавий устозлик, ишга жойлашиш ва ҳок.);

3-босқич - алоқаларни ушлаб туриш;

4-босқич - жамият ҳаётига қўшилиш (тинч яшаш, бошқаларнинг манфаатларини англаб етиш, муқобил ёндашувларни қабул қилиш).

Бунда, тикловчи одил судловнинг мақсади жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, рецидив жиноятчиликни олдини олишдан ташқари, қуйидагиларни ўзгартиришдан иборат бўлиши керак:

инсонлар ва ўзаро муносабатлар;

жиноятга муносабат;

қўлланадиган репрессив усуллар.

Амалиёт шуни кўрсатадики, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия ва бошқа бир қатор мамлакатларда, қоида тариқасида, диний ташкилотлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган собиқ маҳкумлар ижтимоийлашуви бўйича дастурлар амалга оширилади.

Шубҳасиз, эътиборга сазовор бўлган шундай дастурлардан бири сифатида, Патрик университети қошидаги Шеффилд Ҳалам ижтимоий одил судлов илмий-тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган "Анжир дарахти" ишчи номли дастури ҳисобланади [3].

Ушбу дастур собиқ маҳкумларнинг одил судловни тиклаш жараёнида иштирок этишни кўзда тутаяди, унинг ёрдамида эмпатия, яъни жабрланувчига ҳамдардлик шаклланади. Дастурда иштирок этаётган шахслар, қоида тариқасида, озодликдан маҳрум қилиш даврида ва озодликка чиққандан сўнг диний ташкилот негизида тузилган тегишли реабилитация маркази назоратида бўлади. Дастур муддати ўтган жазо муддатига қараб ҳисобланади, мос равишда, жазо муддати қанча узоқ бўлса, шахснинг реабилитация даври шунча узоқроқ бўлади. Дастур жараёнида шахснинг содир этилган жиноятга умумий муносабати, жиноятларни такрорлаш мойиллиги, жабрланувчига ҳамдардлик даражаси, жиноятни оқлашга мойиллиги ўрганилади ва тузатилади, шунингдек, тахминий психологик ва ижтимоий тусдаги муаммолар



аниқланади. 2015 йилда АҚШ ва Буюк Британияда Халқаро қамоқхона капелланлари уюшмаси томонидан ушбу дастурнинг 42 та турли жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган собиқ маҳкумларга таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилган [4]. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, атиги уч ойлик реабилитация курсидан сўнг рецидив жиноятларга мойилликда сезиларли ўзгаришлар юз бериши аниқланган. Ушбу ўзгаришлар вектори жиноят қурбонига бўлган таъсирни англаб етиш ва келажақда жиноят содир этишдан ўзини тийиш қобилияти кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган.

Ушбу дастур доирасида гуруҳда машғулотларини ўтказиш, собиқ маҳкумларни дин негизидаги асосий қадриятларга жалб қилиш, жамият томонидан маъқулланган турмуш тарзини олиб бораётган собиқ маҳкумлар ижобий намунасидан фойдаланиш, диний ташкилотлар вакилларининг ҳомийлик ёрдами ва бошқа шу каби усуллар кенг қўлланилади.

Тан олиш керак, ҳозирда Ўзбекистонда бундай дастурлар жазони ижро этиш тизими доирасида расман амалга оширилмайди. Жамоат ва диний ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами, ижтимоий ришталар, қариндош-уруғлари ва дўстлари, уй-жой, ишидан маҳрум бўлган, тирикчилик манбаига эга бўлмаган минглаб маҳкумлар эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Айнан шунинг учун, бизнинг фикримизча, ушбу муаммо билан ўз даражасида шуғулланувчи барча давлат ва нодавлат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўли бўлиши мумкин. Бундай ҳамкорлик йўлидаги биринчи қадам сифатида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолият юритаётган Ҳукумат комиссиялари доирасида мазкур масалаларни муҳокама қилиш бўлиши мумкин. Ушбу масалани айнан юқори ҳукумат даражасида қўйиш илмий жамоатчилик ва амалиётчилар эътиборини бутун мамлакат кўламида мазкур фаолиятнинг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантиришга қаратишга имкон берар эди.

References:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.
2. Қаранг., масалан: Декрет № 85-836 от 6 августа 1985 г. «Об изменении норм УПК Франции» //Журналь офисьель, 1986. – С. 9063; Рекей Даллоз, 1985, № 29. – С. 464; Шамансуров А.А. Медиация: Польский опыт //Щит. - Ташкент: МВД Республики Узбекистан, 2002. - № 3. – С. 32-34.
3. Ушбу дастур ҳуқуқбузарлик тикловчи одил судлов дастурининг бир кўриниши бўлиб, профилактикаси доирасида жиноятчи ва жиноят қурбони ўртасида ярашув усулларида фойдаланади, жиноятчида ўз айбини ювиш истагини шакллантиради.
4. Қаранг.: Police Chief. 2015. - № 4. P. 127–128.